

Дастурхон зийнати ДАРАХТ ШОХЛАРИ ЛАРЗОН

Қуёш илқ нур соғиб турган шу кунларда дала-ларнинг файзи ўзгача. Чанқларда қаймоқдек тошган дуппи-дуппи пахталар кўзни қувонтиради. Унинг ижод-кори — бободехонга ҳар қанча таҳсин оз. Сахийқалб бобону соҳибкорларнинг ҳиммати олий. Уларнинг фидокорона меҳнати туфай-ли дастурхонимиз ноз-неъ-матларга сероб, рўзоримиз-да барак бор. Ленин йўли районидagi Бандихон боғ-дорчилик давлат хўжалиги-да бўлганимизда кўнглимиз-дан ана шундай фикрлар кечди. Хўжаликда етишти-рилган маҳсулотлар Итти-фоқимизнинг кўпқисмат со-наот марказларига етказиб бери-ляпти. Ёз палласида Орен-бург, Челябинск, Тюмень, Чита, Барнаул, Кемерово шаҳарларига чиллаки узум жўнатишган бўлса, эндилик-да анор, беҳи, олма, унаби каби сархил мевалар тор-тиқ этилаётди.

Хўжалик ҳудудига қадам қўйсангиз, ўзингизни жан-натга киргандек ҳис этасиз. Йўлнинг икки четига ам-лиш арчалар, ёш чинор кўчатлари саф тортган. Ме-вазорининг охири қўримай-ди. Қуз саҳоватини қалбдан ҳис этай десангиз, Қўдрат Бозоров бошлиқ бригада боғларини кезинг, томоша қилинг. Тўққиз гектар беҳи-зордаги манзара ақингиз-ни шоширади. Ҳосил мўл-лигидан дарахт шохлари лар-зон. Ҳар тупдан 300 кило-граммгача беҳи ўзим оли-напти. Моҳира Жумаева, Умида Йўлдошева, Раҳима Сандова каби соҳибкорлар-нинг қўли-қўлига тегайди. Иш ҳақи ҳам чакки эмас. Ҳар кун беҳу иссиқ оғза-ти тайёрланадими. Минг кило-грамм беҳи терган кишига бир кунда 13—14 сўм тў-ланапти. Умуман хўжалик-да боғбонлар меҳнати надр-ланаётганини диққатга сазо-вор. Бу ҳам қайта қўриш шарофатидир. Ҳозиргача ре-жадаги 860 тонна ўрнига қарийб тўққиз юз тонна узум узилди, эл дастурхони-га тортиқ этилди. Эртаги узумнинг ҳар килограмми 1,80—2 сўмдан сотилди. Токзорларда ҳамон иш қиз-гин. 7 гектар майдондаги «Сурхон-шеробод» навли эртаги узумдан 140 тонна ҳосил олинди. Ҳисоб-китоб-ларга қараганда, ҳар гектар тоқзор йилга минг сўм-гача даромад келтирмоқда.

Бўлим бошлиғи Амин Аб-дишукуров билан ўн бир гектарлик хўроззор, 15 гектар-лиг анорзор, 15 гектар-лик олмасорни кўздан ке-чардик. Бу боғлар Қ. Бозо-ров бошлиқ бригадага қа-рашли. 82 гектар майдонда бор-йўғи беш киши меҳнат қилади. Уларнинг ташвиши пахтакор ёки сабзавоткор-ниқидан кам эмас. Йил—ўн икки ой боғларга ишлов бе-риш, ҳашаротларга қарши қайта-қайта дори сепиш, ҳосилни етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Анор, хурмо, ол-ма, беҳи каби сархил мева-лар ана шу сермашақат меҳнатнинг маҳсулидир. Да-рахтларда ҳосил қанчалик сероб бўлмасин, ерга тўқил-ган бир дон мевани кўр-майси. Айна кўнда бўлим боғлариди юзга яқин киши меҳнат қилмоқда. Тайёрлан-ган ноз-неъмат яшилларга жойланиб, пешма-пеш вагон-ларга юкланапти. Унинг бир қисми қиш учун ҳам-лаб қўйилади. Бўлим жамоа-си жорий йилда режадаги 345 тонна ўрнига 600 тонна ноз-неъмат етиштириш ма-буриятини қабул қилди. Ҳозирги ҳаракат ваъда ал-батта бажарилишдан дарак берапти.

ЯРАТИЛГАНИ—ХААҚҚА

Китоб районидagi Свир-дов номи жамоа хўжалиги соҳибкорлари давлатга узум сотиш йиллик режасини ба-жарилар. Эл дастурхонига 160 тонна ўрнига 170 тонна тоқзор неъмат ҳада этилди. Меҳнат аҳли ўз имконият-

Шуни таъкидлаш керак-ки, боғбонлар амалдаги йилда ҳосилни йиғиштири-олишга бултургидан ўн-ўн беш кун барвақт киришди-лар. Дарахтдагиси эмас, омбордагиси ҳисоб. Бутун диққат-этибор Озиқ-овқат дастури ижросига муносиб Ҳосил йилда бўлим бўйича 800 минг сўм даромад қи-лиш қўда тутиляпти. Бул-тур ҳам натижа ёмон бўл-маганди. Боғбонлар асосий иш ҳақига бир сўм йилга тийиндан қўшимча олишга муваффақ бўлилар. Шу ҳисобдан ўртача мош 300 сўмга тўғри келаяпти. Бун-дан ташқари ердамчи хўжа-лик ҳисобидан жамоа аъзо-ларига арзон нархда гўшт, тўй-маъракалар учун ишлаб чиқариш баҳосида мева ва сабзавот маҳсулотлари со-тиляпти.

— Бандихон даштида ноз-неъмат етиштиришнинг ўз-ига яраша қийинчиликлари бор, дейди хўжалик дирек-тори Қўлмуродов. Ёш ва тоқзорларимиз йил сайин кенгаймоқда. Илчи кўчи эса кам. Амин Абдишукуров бошлиқ бў-лимда 37 гектар мевазор бў-либ, бор-йўғи 35 ки-ши меҳнат қилади. Бой-назар Алмардонов етакчи-лик қилаётган бўлимда ҳам худди шундай. Фидокорона меҳнат ва аҳиллик туфай-ли маҳсулот етиштиришни кўпайтираймиз. Баҳорда 15 гектар майдонда олхуризор ташкил этилди, унга «Дўстлик боғи» деб ном қўйди. Ҳо-зир кўчатлар бир текис, бар-авж ўсаяпти. Ҳадемай вило-ят меҳнаткашларига, Итти-фоқимизнинг турли шаҳар-ларига олхури жўната бош-лаймиз. Қарасанг боғ, қара-масанг доғ бўлар, дейди-лар. Бултур тармоқдан 1 миллион 250 минг сўм да-ромад қилинди, соф фойда 568 минг сўми ташкил эт-ди. Боғбон ва соҳибкорлар-имиз 1,8—3 минг сўмгача қўшимча ҳақ олишди. Ҳо-зир хўжалик ҳисобида бир миллион сўмдан зиёд маб-лаг бор. Турли социал ма-саладарини ҳал этиш учун имконият туғилмоқда. Узум, мева-чева етказиб бериш ҳи-собига қардошларимиздан цемент, ёғоч, кўмир ва бош-қа қўриқлиш материаллари олаётимиз. Иттифоқимиз-нинг йиллик саноат марказ-лари билан алоқамиз мус-таҳкамлашиб борапти. Бун-дай ҳамкорликни давом эт-тириш ниятидамыз.

Жорий йилда боғбон ва соҳибкорларимиз чакки иш-лашмади. Белгиланган ре-жалар муваффақиятли ул-даланаяпти. Эл дастурхони-га 960 тонна узум, 560 тон-на мева тортиқ этилди. Қишги ҳам унутганимиз йўқ. Хўжалигимизда 500 тонна мева сақланадиган омбор мавжуд. Электр таъ-миноти муаммоси ҳал этил-са, ундан қиш бўйи фойда-ланиш мумкин.

Хўжаликда муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу асосан социал-маданий шароит би-лан боғлиқ. Хўжалик марказ-ига олиб борадиган йўл ха-роба ҳолда эди. Раҳбарлар-нинг жонкуярлиги билан тош-шағал ётқизилиб, текис-ланди. Асфальт қилинди. Бундан барча хурсанд. Омборни электр нури билан таъминлаш масаласига ҳам шундай масъуляти билан ендашилса, яхши бўларди. Зеро дастурхонимиз тўқис-лиги учун курашаётган боғ-бонлар, соҳибкорлар ҳар қанча ардоққа лойиққарлар.

Б. КЕНЖАБОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
муҳбири.

ЯРАТИЛГАНИ—ХААҚҚА

Китоб районидagi Свир-дов номи жамоа хўжалиги соҳибкорлари давлатга узум сотиш йиллик режасини ба-жарилар. Эл дастурхонига 160 тонна ўрнига 170 тонна тоқзор неъмат ҳада этилди. Меҳнат аҳли ўз имконият-

Э. ҚўЛМУРОДОВ.



Н. МУХАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Тошкент вилояти Янгийўл районидagi Усмон Юсупов номи ишлаб чиқариш ком-бинатининг боғбон ва соҳиб-корлари эл дастурхонини тў-қис-сочини этиш ишига баҳо-ли қудрат ҳисса қўшмоқда-лар. Олимжон Жуманов бошлиқ бригадада жорий йилда 40 гектар тоқзордан 390 тонна узум, 9 гектар боғдан эса 65 тонна ўрнига 186 тонна олма етиштирил-ди. Бу соҳадаги режа 300 фоиз бажарилди. Натижада 18.500 сўм даромад қи-линди.

СУРАТЛАРДА: 1. Пеш-қадам бригада бошлиғи Олимжон Жуманов. 2. Илгор термичи Салима Бердиева. У ҳар кун 400 килограмм узум узмоқда. 3. Шарбат қақланадиган омборхона.

Н. МУХАММАДЖОНОВ олган суратлар.



СИБИРДА ШАРҚ БОЗОРИ

Абақанда РСФСР Хака-сия мухтор вилояти ижро-коми билан Ўзбекистон ССР Фарғона вилояти ижрокоми-нинг вакиллари бевосита икки томонлама ҳамкорлик қилиш имкониятларини кў-риб чиқдилар.

Амалий алоқаларнинг ик-кинчи босқичида минтақа-ларнинг корхоналари ва ташкилотлари ўртасида ўза-ро ҳамкорлик қилиш тўғри-сида ўзқоқ муқаддатли шартно-ма ишлаб чиқилди. Бу ре-гионлар турли сабабларга кўра мамлакатнинг нодан-ниқдан иқтисодий воситаси-га хизмат қилаётган ўзига-хос ҳам ашё манбалари бў-либ қолган. Бозор муноса-батларига ўтиш шароитида эскирган бошқарув идора-лари тугатилди бошланди. Бу эса ўз навбатида маҳсулот ва хом ашё етказиб бериш ниятида бузилишга олиб келди. Ҳозир қўлгина кор-хоналар ҳам ашёни етарли миқдорда олмаёптилар, ҳат-

то давлат буюртмаси тарзи-да белгилаб қўйилган мате-риаллар ҳам етказиб бе-рилмапти. Корхона ва таш-килотларнинг бир маромда ишлашига қафолат бериш қилиш бўлган вазиятда ма-ҳаллий ҳокимият органлари шу вақтгача ўзларига хос бўлмаган вазифаларни зим-маларига олдилар: катта ҳажмдаги битимлар у ёки бу вилоятнинг қўлчили-аҳолиси эҳтиёжларини қон-дириши мумкин бўлган ҳол-ларда ширинчилик битим-ларини тузишда воситачилик қила бошладилар.

Юқорида баён этилган ҳолатда ҳам шундай бўлди: масалан, Сибирь шаҳарлари-да сабзавот ва мева мўтла-роқ етишмай турган бир пайтда уларнинг омборлари ёнғач қириндиладилар тайёр-ланган материаллар билан тўлиб-тошиб ётди. Ҳол-буки бу материаллар Ўрта Осиёда доимо етишмайди.

Ўзбек деҳқонлари ўзаро манфаатли асосда мол айир-бошлашнинг тақдир қилди-лар. Бу тақдир принципи жи-ҳатдан қўллаб-қувватланди. Ўзоқ муқаддатли шартнома кучга кириши учун эса қар-рор топаётган халқ ҳокимия-ти янги шароитда халқ де-путатлари вилоят Советлари-да шартномани тасдиқлаш-лари зарур бўлди. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ айир-бошладиган молларнинг ҳажми келишиб олинган. Фарғона вилояти Хакасияга ҳар йили 25 минг тоннагача эртаги сабзавот ва мева ет-казиб бериб, бунинг авза-ига йилга йилга минг кўб ме-трғача ёғоч тайёрлаш ҳу-қуқини олади. Амалий ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш учун доимий ваколатхона-лар, қўшма корхоналар очил-мўжжалланмоқда.

В. ДАНИЛЕНКО,
ТАСС муҳбири.

И Ш И Н Г КЎЗИНИ БИЛ

Мол гўшти етиштиришни кўпайтириш мўҳим халқ хў-жалиги вазифаларидан бири-дир. Ёш қорамолларни пар-варишлар ҳамда сўқимга бо-қиб бўйича иқтисослаштирил-ган саноат комплексларида ва хўжаликларро корхоналарда, кичик фермаларда, шунингдек шахсий хўжаликларда мавжуд барча имкониятлардан, фан ютуқларидан фойдаланишга тақдирлаган бу юксак вазифа-ни урдалаш мумкин. Айнан мол гўшти аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабига қон-дира олади, қолгача жум-хуриятда чорва озуқасининг ўзига хос таркиби бундай маҳсулот тайёрлаш ҳажмини оширишга имкон беради.

Ўзбекистонда фан ва тех-ника тараққиётининг комп-лекс дастурини бажариш бў-йича тадбирларда чорвачилик-ни интенсификация, биринчи навбатда мол гўшти етишти-ришда илгор усуллари жо-рий этишга катта аҳамият бе-рилади. Жумхуриятда келгуси-да илмий ишқандан асосланган иқтисослаштириш ва йиллик етиштиришни амалга ошириш, мустаҳкам озуқа базаси ярат-тиш, сут ҳамда гўштбоп бу-зоқларни боқиб муқаддатларини қисқартириш, шунингдек ил-гор усуллари қўлланб, те-жамкор кичик фермаларни ташкил қилиш қўзда тутилган.

Сўқимларнинг ўртача тирик вазини сўйилган олдин 450 килограммгача етказиб гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг мўҳим шартидир. Жонивор-ни етиштиришда тўйимли, сервита-мин озуқа билан озиқланти-риш юқорида кўрсатилган на-тижага эришишни асоси қи-сқобланади. Бунинг учун мол-ларнинг таркибининг 65—70 фоизи юқори сифатли дағал ва куруқ хашакдан, 30—35 фоизи омихта емдан иборат рацион билан боқилиш кенг қўлга қўйилмоқда.

Молларнинг дастлабки дав-рада парварishi алоҳида эътибор бериш лозим. Бу шунинг учун ҳам мўҳимки, бузоқларни олти ойлигига қа-дар ўстириш даврида улар-нинг гўшт ёки сутбўлиги ақ-қол аён бўлади.

ВАСХИЛП Ўрта Осиё бўли-мига қарашли Ўзбекистон чор-вачилик илмий-тадқиқот ин-ститутига жониворларнинг иқ-тисоти ўстириш ва бўрдоқла-боқиб бўйича саноат комп-лекслари, хўжаликларро корхоналар учун технологик таъсиялар ишлаб чиқилган. Уларни амалга оширишда мол гўшти етиштиришни кў-пайтиришда бузоқларнинг ге-нетик имкониятларидан тўла-қоли фойдаланишга хизмат қи-лади. Бунда етарли озуқа база-си яратилган, молларни тўла-қоли, баланслаштирилган ра-цион билан озиқлантиришга, мол гўшти етиштиришнинг интенсификация кўчиришга кат-та аҳамият берилади.

Гўшт етиштиришнинг комп-лекс учун молларни интенсиф-ўстириш ва сўқимга боқиб тартиби қуйидаги бошқиларни ўз ичига олади:

— бузоқларни 15 кунликдан 145 кунлик бўлгунча парва-ришлар; ёш молларни 415 кунликка етказиб; 415 кунлик-дан 565 кунликгача бўлган якуновчи боқиб.

Биринчи босқичда бузоқлар ситир сут билан эмас, балки унинг тўлақоли ўриндоши — махсус омихта ем ва сифатли пичан билан озиқлантирилади. Бу уларнинг бир кеча-кундуз-да ўртача 650—700 граммдан семиртишга, боқиб охирига келиб тирик вазини 120 кило-граммга етишиш ва ундан ҳам ошишига имкон беради.

Кейинги даврда жонивор-ларни сўқимга боқибга тайёр-лаш давом этиб, кераклика кўн ва дағал озуқа бериб бо-рилади. Бу муқаддат уларни сутсизга ўртача 700—800 граммдан семиртиришга эри-шиш лозим. Қиш ойларда озуқа рацион омихта ем бил-лан бирга сифатли сенаж ва силосдан иборат бўлиши ке-рак. Ўн ой уйлигига 320—330 килограммгача еган сўқимлар якуновчи босқичга ўткази-лади.

Молларни жадал боқиб 5 ой давом этади. Бу фурсат-ида ёш тананинг эрта-эрт ху-суслигидан тўлиқ фой-даланилади. Бунинг учун тар-кибиде омихта ем 55 фоизга-га етказилган қучайтирилган рацион билан боқиб зарур. Шунда бир кеча-кундузда ўр-тача келиме 900—1000 грам семиртириш мумкин. Боқиб даврида яраш озуқа бериш

мақсадга мувофиқ. Жонивор-лар мослаштирилган бинолар-да, боғланган ҳолатда боқи-лади.

Охангарон районидagi «ВЛКСМ 50 йиллиги» саноат комплексида шу усулда иш юритилади. Бузоқларнинг 20 кунлигидан то 16,5—17 ойлик бўлгунча 2.550—2.600 озуқа бирлиги сарфланиб, уларнинг тирик вазини 460—480 кило-граммга етказилади.

Бироқ боқилмаган мол-ларнинг генетик қувватидан тўлиқ фойдаланиш техноло-гияси ҳамма жойда ҳам қўл-ланган самарани бермаслиги мум-кин. Бу тўқисини бартараф этиш учун лойиққарлар билан биргаликда изланиш лозим. Мавжуд комплекслар ва хў-жаликларро корхоналарини илмий тадқиқотларни ҳамда илгор тажрибани ҳисобга ол-ган ҳолда таъмирлашга, улар-да ўз озуқа базаларини яра-тишлари учун етарлича суғо-риладиган майдон, техника, транспорт, ўғит ва сув ажрат-тишга асосий эътиборни қар-ратмоқ керак.

Жумхурият Қишлоқ хўжали-ги давлат-кооператив комите-тининг молларни парварishiш ва сўқимга боқибда «аспа-мар» дориворини кенг қўлла-ниш тўғрисидаги буйруғи ай-рон ерларда бажарилмапти. Бу дориворининг фойдали ху-суслиги маълум. Тажрибалир чакки эмас: ҳар бир сўқим-нинг тирик вазини 18 ойда қў-шимча равишда 20,8 кило-грамм ошади. Бу мол гўшти етиштиришнинг кўпайтиришнинг мўҳим резервидир. Аммо ни-ма учундир бу усул изчил жо-рий этилмапти.

Ҳа, бизда қўллаб илмий иш-ламалар амалиётда тадбиқ этилмапти, бу гўшт етишти-ришни кўпайтиришга тўсиқ бўлмоқда. Ҳолбуки, қўллаб маблағлар сарфланиб эри-шилган фан ютуқларини қўл-ланиш ҳаёт тақозосидир.

Фарғона вилоятидаги мол гўшти етиштирувчи хўжалик-ларро корхоналар ишлаб чи-

Мол гўшти муаммоси

қаришни жадаллаштириш суръати ва унинг самарадор-лиги бўйича жумхуриятда етарли ўринлардан бирида. Уларда подани тўлдиршда асосий қонда шук, жамоа ва давлат хўжаликларидан уч ой-лик, тирик вазини 80—90 кило-грамм бўлган бузоқлар олиб келинади. Сўқимларни 13 ойлигига қадр интенсиф-ў-стириш даврида бир кеча-кун-дузда ўртача 770 грамм се-миртиришга ва тирик вазини 300—310 килограммгача ет-казишга эришилмоқда. Якунов-чи босқичда эса сутсизга 1000 граммдан эрта қўшил-ляпти. Фарғоналик чоравдорлар қўлга киритилган муваффақ-ият омилларидан бири қайда-лидиган ердан оқилноа фойда-ланиб, гектаридан йилга 8—10 минг озуқа бирлиги олина-ётганидир. Юқиса агротех-ника, маккажўхори, кўп мар-та ўриладиган сорго, кенг бергли сули, кузги жавдар ва бошқа юқори ҳосилли оралик экинларини аралаштириб экиш ана шундай юксак натижага эришиш имконини берапти. Вилоятда яна талай резервлар мавжуд.

Гўшт етиштиришнинг кўпай-тиришда шунга иқтисослашти-рилган қорамолчиликни тобора ривожлантиришга катта эътибор бериш лозим. Бунинг учун гўшт етиштирувчи со-хоналарни ташкилий-хўжалик жиҳатдан қайта тузиш, уларни бошқа маҳсулотлар тайёрлаш-дан озод этиш, куч-гайратни насли моллар ўстиришга ва пода таркибини яхшилашга йўналтириш лозим. Озуқа етиштиришнинг кўпайтириш учун бошқоқ ва ем-хашак экин-лари майдонларининг аҳолини қайта қўриб чиқиш жуда му-ҳимдир. Харажатларни камей-тириш мақсидида жонивор-ларни меҳнат жараёнилари ме-ханнизациялашганини юқори умумдорликка эришиш имко-нини берадиган майдончалар-да боқиб керак.

Гўшт тайёрлашда иқтисос-лаштирилган ишлаб чиқариш катта ўринни эгаллайди. Қу-ватларини ошириш ва умуман тармоқини интенсиф-ў-стиришга ўтказиш иқтисодийта хайрли таъсир қўрсатади. Чорвачилик комплекслари техник-иқтисо-

дий кўрсаткичлари бўйича колхоз ва совхозларидан сазилари устуниклика эга. Комплексларда ва хўжалик-ларро корхоналарда ҳар бир ишчи ҳисобига гўшт етишти-риш жамоа ва давлат хўжа-ликлариникига нисбатан те-гишли равишда 4 ва 2 баравар кўп, ҳар центнер маҳсулотга эса 2 ва 1,5 марта кам озуқа сарфланади. Махсус хўжалик-ларда рентабеллик ҳам юқори.

Ленинград район хўжалик-ларро бўрдоқчилик корхона-сида сўқимларнинг сўйилёт-гандаги ўртача тирик вазини — 555, Боғодада — 493, Оханга-рон районидagi «ВЛКСМ 50 йиллиги» саноат комплексида 470 килограммгача еткази-лмоқда. Поёнтут вилоятидаги «Рассвет» совхозида топши-рилган бир центнер гўшт та-нарихи 156 сўм 50 тийиндан тушяпти.

1989 йилдан бошлаб «Рас-свет» давлат хўжалигида Ўз-бекистон чорвачилик илмий тадқиқот институти олими-лари ҳамкорликда биринчи марта гўшт етиштиришни кў-пайтиришнинг мўҳим резерви настандарт ситирлардан фой-даланиш йўлга қўйилди. Уларни гўштбоп насл бери-вчи хўжаликга қўйиб, йилга 4—5 минг бузоқ олиш мўжжаллан-ган. Жумхурият бўйича ҳар йили 40—50 минг бош ностан-дарт ситир сўйиб божорил-моқда. Агар улар асраб қоли-ниб, юқоридаги усул қўлла-нилса олинган бузоқлар ҳисо-бига йилга қўшимча 18—20 минг тонна сифатли мол гўш-ти тайёрлаш мумкин.

Қўриниб турибдики, Ўзбе-кистоннинг турли жойларда чорвачиликни интенсиф-ў-стиришнинг бўйича яхши тажриба тўплаган, бироқ уни бошқа хўжаликларда қўлла-ниш суст бормоқда. «Гўшти жумхурият ишлаб чиқди» д-да олинган ва хўжаликларро корхоналарда гўштга топши-рилётган молларнинг ўртача тирик вазини 386, колхозлар ва совхозларда эса 340 кило-граммин ташкил этапти.

Ўзбекистон бўйича жамини қорамолларни «Гўшт» бир-лашмаси бўлимларини орқали гўштга топшириш зарурлиги маълум топилади. Зеро, бу сифатли маҳсулот етиштири-ни бирмунча кўпайтиради.

Иссиқ иқлимли бизнинг ша-роитда саноат неғизда мол гўшти тайёрлаш усули ўз-хусусиятларига эга. Кейинги йилларда мамлакатда жониворларни парварishiш ҳам-да сўқимга боқиб учун ком-плекслар ва очик майдонлар-нинг турли лойиққарли хам-ма қилинди. Аммо уларнинг ҳам-масида ҳам табиий-иқлим ва иқтисодий шароит ҳисобга олинган деб бўлмайди. Маъл-лум бир жойга жуда мақбул лойиҳа бошқа ернинг талаб-ларига жавоб бермайди. Шу боисдан қурилиш лойиққар-лирилатганда ўша жойнинг шароити ҳисобга олиниши керак.

Охангарон районидagi «ВЛКСМ 50 йиллиги» саноат комплексида ҳозир 15 минг-дан зиёд қорамол боқилмоқ-да. Яқин йилларда унинг қу-ватини 24 минг бошга еткази-ш қўзда тутилган. Лекин ун-дан 10—12 километр нарида 10 минг бошқа мўжжалланган бошқа корхона қурилиш ре-жалаштириляпти. Ҳўш, шун-дай аҳолида ишлаш мумкин-ми? Умуман иқтисодини бар-по этиш керакми аки йўқми?

Мавжуд комплекслар ва хўжаликларро корхоналарни таъмирлашга, кичик фермалар-ни ташкил қилишга асосий эътиборни қаратиш зарур. Бунинг учун моллар бош сонини ошириш билан бирга озуқа етиштириш учун суғорилади-ган ер, техника, ўғит ва ҳока-золарни етарлича ажратиш лозим. Саноат неғизда мол гўшти тайёрлашнинг мустаҳкам моддий-техника базасини ярат-масдан туриб, давлат галлеси-дан кўпроқ олиш ҳисобига ялли маҳсулот ҳажмини кў-пайтиришга ҳар қандай ури-нишлар қўтилган самарани бермайди.

У. НОСИРОВ,
ВАСХИЛП Ўрта Осиё бўли-мига қарашли Ўзбеки-стон чорвачилик илмий-тад-қиқот институти «Насли-лик» илмий-ишлаб чиқ-ариш бirlашмасининг бош-директори, профессор.
К. ҲАБИБУЛИН,
мол гўшти етиштириш усули ва маҳсулот сифати лабораториясининг му-дир.

Чорвачилик—зарбдор тармоқ

ЖОНКУЯРЛИК БОР ЖОЙДА

Денов районидagi Собир Раҳимов номи жамоа хў-жалиги чорвадорлари тўқ-қиз ойлик режаларини ор-тига билан адо этидилар. Бун-га қандай қилиб эришилди? Бу ерда қўйчиликка катта эътибор берилган. 5.500 бош қўй Сангарда тоғ ёнбаги-лариди яратиб боқилмоқда. Соҳа яхши фойда келтири-ляпти. Ҳар юз совиқдан 95 тадан қўзи олинди. Ғайбул-ла Соқибов, Жўракул Али-ев, Ғани Мажидов отарлари-да бу кўрсаткич 96—100 тами ташкил этди.

Колхоз сурувлари ҳисори қўйлардир. Бундан ташқари вилоят насилчилик бirlашма-сига қўчқорлар етказиб бе-ришга 200 ўрнига 350 бош қўчқор топширилади.

— Чорвачилик маҳсулот-лари етиштиришда ҳам ях-ши натижаларга эришяла-миз, — дейди бош зоотех-ник Зиёдулло Ғайзуллаев.

— Сут-товар фермасида 800 бош қорамол бор. Шундан 340 таси сонин ситир. Ҳо-зиргача давлатга 520 тонна сўт сотилиб, тўққиз ойлик режа ошиғи билан бажарил-ди. Чорвадорларимиз ютуқ-ларни мустаҳкамлаш ния-тида гайратни бўшатирмай-тирлар.

Бултур хўжалик бўйича

ҳар ситирдан 2.300 кило-граммдан сут соғилганди. Жорий йилда бу кўрсаткич-ни ўртача 2.500 килограмм-га етказиш мўжжалланган. Яхшигўл Маматқулова, Гул-нора Ҳамроева, Мингқиз Муродова, Норбиби Бўро-нова, Зулфия Ниёзова каби илгор ситирсоғарлар ҳозир-даёқ бу маррадан ўзишди. Улар йил охиригача ўз гов-мишлари маҳсулдорлигини 2.800—3.000 килограммдан оширишга бел боғлашган.

Бўрдоқчилик фермасида 400 бош жонивор боқил-моқда. Тажрибали молбо-қарлар Эшназар Акабев ва Чори Ортиқов бўрдоқларин

бир кеча-кундузда 900—1000 грамм семиртиришга эришмоқдалар. Моллар ти-рик вазини 420—450 кило-граммга етгандан кейин гўштга топширилмоқда. Бу-гунгача давлатга 185 тонна маҳсулот сотилди.

Таъкидлаш лозим: ҳар ик-ки ферма ҳам механизация-лаштирилган, техника билан етарли таъминланган. Озу-қа пичи ишлаб турибди. Да-ғал хашак аввал қайта иш-лаб, сўнгга молларга бе-риляпти. Сут-товар ферма-сида сувутин қурилиб, ишта туширилади. Сут сувутили-кейин заводида жўнатишмоқ-

да. Натижада маҳсулот си-фати яхшиланиб, фойда кў-паймоқда.

Хўжали



БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОҲА

Дам олиш саҳифаси

ОРИЯТ—ФАЗИЛАТИНГ

Ешлук чоғларимда отамдан «Фалончи кўп ориятли одам-да, шундай кишининг ҳоки-пойини ўпсанг арийди», деган гапларни тез-тез эшитардим. Ушунда бу пурҳикмат каломнинг маъноси ақлдан ўтмас эканман. Ҳаётнинг тақриб ошаварча, «орият» деган ахлоқий тушунчанинг маъноси менга аён бўла бошлади.

Орият! У юксак қадрланган, энг улуғвор инсоний хислатлардан биридир. Бу тоифа одамлар аввало, орномусини, қадр-қимматини шараф деб билдилар. Улар жамиятда маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, юксак қамолотга эришадилар. Ахлоқий пок, сабр-бардoshi, кўп тўқ, очликдан силаси қуриган, чочда ҳам биронинг миннати ошга назар солмайдиган, ўз шахсини эмас, умумий баъдани, башари-ятини ўйлайдиган ҳуқуқ матонодаги айтилар, инсонпарвар, беназир улуғвор сиймоладир. Бундай олижаноб кишилар ҳар бир даврда жамиятнинг ривожини учун зўр гайрат ва жасорат кўрсатиб келганлар.

Ориятли кишилар ҳозирги қайта қуриш ва ошкоралик даврида ҳам ақлоқ кўзга ташланган қолдилар. Улар узок йиллар давомида жамиятимизнинг олга томон қаддам ташлашига, бизнинг бир маромада ҳаёт кечир-шимизга йўл берадиган на-кадай иллати олиб, маро-зага айлانган қурулларни та-ғомори билан йўқотиш, жа-миятнинг поклаб олиш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсат-тирилди. Ҳар қадамда уларни учратиб, тасавно айт-ган, ҳоки-пойини ўпсанг арийди.

Иллатлар, қуруллар, пай-монаси тўлган маддалар жамият ҳисобидан ишга ки-риш учун, фойдаланиб кел-ган ўз имкониятларидан осонликча ажралди қолмас-лик учун йўл кидирмоқда. Улар шамшир кўтариб кел-

ганда ҳам чап беришга, шамгалат қилишга устаси фаранг. Кўз олдимизда ранг-баранг манкуртлар шаклида намоён бўлмоқдалар. Мана уларнинг шакли-шамойли:

Колхозчи ҳикояси: қиш-логимизда у нопок қилиқлар билан азалдан отнинг қиш-қасиди маълум эди. Нима бўлди-ю янги раҳбарлар уни бритадирликча лозим то-пишди. Қишлоқ учун зигир-ча нафи тегмай келган хоти-нининг укасига дарҳол 10 гектар ерни макжаҳури экишга «оилавий пудрат» қилиб берди. Колхозчилардан, халқдан тортинмасдан уйланмаган ўғлига 5 гектар қишлоқ бедзорни «оила пудрат» қилиб ҳужжатлаб ол-ди. Йил бўйи унга қорамол-ни ана шу текин макжаҳу-хори ва беда ҳисобига бур-доқига бонди. Биз эса битта сингирин боқолмаганимиз.

Энг яхши жойдан ўйла-рига укасига қуриб, бират-ла тинчиб қолди. Бошқа-лар эса «бош план» деган дардларини икки йилдирки, бир тарафга чиқаролмасдан сарсон-саргардон. Пилла-давридаги ҳақсизликни асло сўраманг. Юқоридан «кол-хозчи оиласига қушимча то-морқа берилади» деган гап эшитаман. Бизда эса жим-житлик. «Ўзи тўқини ўзга-дан нима паров» деганин шу бўлса керак-ов. Ана шу-нақа гаплар домла, гапир-версам, гап кўп. Хайр, ўл-масмиз, жонни берган, риз-қисин ҳам берам.

Қария ҳикояси: қайси кун колхоз бозоридан ма-газин олдиди тумонат одам кўрдим. Борсам, нархи ар-зонлаштирилган мол соти-лаётган экан. Негадир, эшик-бекирилган, ичкарида бир неча одам юрарди. Шу пайт кимдир «Бирорлар, ўзи тўйганининг сарқити ҳа-ром, беҳуда ўтирмайлик, бизга тегмайди бу нарсалар-да» деб қолди. Бир маҳал эшик секин очилиб, катта-катта сумка-ю қоп кўтарган тўрт-беш киши чиқди, эшик

яна бекирилди. Кўтиб тур-ган оломон жунбўшга кел-ди. Ҳар хил таъна-дашном-лар эшитилди. У ҳақ эди! Қайси кўз билан кўрайки, халғи қоп кўтариб чиққан-лар савдо ходимлари, улар-нинг таниш-билишлари, ай-рим эътиборли идораларда ишловчи кимсалар эди.

Эшитишимча, район ма-газинларида узок тўхтаб қолган 300 минг сумлик мол 95 минг сумга тушири-либ, сотувга чиқарилган экан. Шу молларни йиғиш-тириб олиш бошланганидан буён мутасадди кишилар, уларнинг «ўз» одамлари оч-қибдиладар. Бир нечасини ўз кўзим билан кўрдим. Одам-ларда инсоф, виждон, орият қолмапти. Менга қолса-ку ўлмасмиз, кун ўтиб туриб-ди. Бу ёни бахайр бўл-син-да!

Собиқ жангчи ҳикояси: армиядан бўшатилган, йўл-қориб, кўп хангомаларга дуч келдим. Поездда кузатувчи ҳарбий билетимни олиб қўй-ди. Когонда поезддан туша-ётти, билетимни сўрасам, менга бермай, уни бир кооп-ератив таскилчига топширди. Ҳайрон қолдим. Тортишиб туришга сабрим йўқ эди. Таскилчи мени ва ана уч ас-карни машинасида олиб, йўлга тушди. Шерикларим дўхторга тўлатиб 50 сум пулимин ҳам қўшиб ҳисоб-китоб қилишнинг керак» деб авар эди у аскар бола-ларнинг ота-онасини. Шу та-риқа у қазово ҳар хонадон-дан 150—170 сумдан пул

Ох, менинг навқирон, гу-рури баланд, тизгин бил-мас, ҳаёлабаст, ориятли жангаримдир! Сен янги ас-рнинг яратибди одамларни. Биз-ни, ўтмиш аждодаларимизни қийнаб келган қурулларни янги асрга етиб бормаслиги шарт. Бунинг учун сен фа-ол бўл! Сафиги кенг ва му-стаҳкам бўлсин. Виждонинг буғурганини қилишдан ҳа-йиқча, сен голибсан!

Садлаган кетай, эй орият-ли замондошим!

Қ. ХУДОЕВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.



Коммунистик райондаги Усмон Юсупов ном-ли 3-ўрта мактабининг «Зебо» ашула ва рақс ан-самбли 1986 йилдан бери ишлаб турибди. Унинг фаолиятини жонлантиришда мактаб директори Кўлмуҳаммад Абдуллоев, бадний раҳбар Абдул-ҳақ Расулов ҳамда рақсларни сахналаштирувчи Мухаррам Исмоиловнинг хизматлари катта.

Ансамблга истеъдодли ўқитувчилар жалб этил-ган. Районда ўтказилган тадбирларга — май-ли у муаллимлар кенгаши ёки маданият ходи-мларининг семинари бўлсин, нозу неъмат ярату-чи бободоҳонларнинг ҳосил байрами ёхуд ёш-лар слёти бўлсин, «Зебо»ни албатта тақлиф қи-лишди. У эса ақли мажлис дилига завқ-шафқ ба-ғишлайди, руҳиятини кўтарди.

Утган йили Фан ва халқ таълими ходимлари кесба уюшмалари ақлот комитети мактаб ўқи-тувчилари орасида «Истеъдодларни излаймиз!» кўрник ташкилини ўтказди. Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарларига тўпланган санъат шинавандалари кўпайиб янги, ўзига хос қўшиқ ва рақсларнинг шоҳиди бўдилар. Ана шу очик беллашуларда «Зебо» соврили урнини эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Мухаррам Мадие-рова, Мастура Абдурахмонова, Жўраҳон Бобо-тўраева, Набижон Мақсудов, Ғайрат Иброҳимов сингари ҳаваскорларнинг қишқилари ансамб-лининг обрўсини янада ошириб юборди.

СУРАТДА: [маълум] М. Исмоилов, А. Расулов, М. Мадиерова, М. Абдурахмонова ва Ж. Бобо-тўраева янги рақсин машқ қилишмоқда.

5. ХОЛМИРЗАЕВ олган сурат.

Янги анъаналар—ҳаётга БОРИСЛАР

1960 йил, Янгийўл районидан 26-ўрта мактабининг 10-синфини битир-ган ўқувчилар қўлларига етуклик гу-воҳномадларини олган кунлари устозла-рини битирши кечасига тақлиф этиш-ган эди. Мактаб ҳовлисида тўпланган-лар даврасида илқ гаплар бўлди.

Орадан ўттиз йил ўтди. Собиқ синф-дошларнинг кўпчилиги ҳаётда ўз ўри-ни топиб, эл-юрт олдига хизмат қилиб, устозларни юзини ерта қаратишмади. Абдулбоки Исоков механизаторлик кас-бини эгаллаб, ҳамкасблари ўртасида эътибор қозонди, бир неча орден ва ме-даллар билан мунофотланди. Мухаммад-жон Маматаев ҳам механизатор. У ҳўрмат-эътиборда Абдулбоқидан кам эмас.

Янгида собиқ синфдошлар, уларга би-намин сирларини ўргатган, ҳаёт таъди-мини берган устозлар яна дийдор кў-ришмоқда. Мактабининг соя-салқин ҳо-влисига улар дилкаш суҳбат қуриб, ёш-

лик йилларини, орзу-ниятларини аслаш-ди, устоз ва шоғирлар хотира учун суратга тушишди. Жамолддин Бойхо-нов уларни дастурхонга тақлиф этди.

Кечада сўзда чиққан мактабининг со-биқ директори Ҳошимжон Бобоҳонов ҳаётдан ўз ўрнини топан ўқувчилари-педагог Алмосхон Захрўжаев, Абдишў-кур Бозорбоев, шўро ходими Ҳанифа-хон Зокирова, қурувчи Раҳимжон Ка-римов, илгор ишчилар Отахон Мажи-дова, Сотволди Розиковнинг номини ҳўрмат билан тилга олди, ишларига му-ваффақият тилади.

Синфдошлар ташкил қилган фольклор ансамбли тағтана қатнашчилари ишти-рокида лаварлар икко этишди. Зарбдор қишлоқ Совети қоншидаги Соҳидхон Тўрсуновхўжа бошлиқ маданият уйи ижодий коллективни катта дастурда кон-церт намойиш қилди.

Н. ХОЛМАТОВ.

БОҒБОН УЧУН

Боғбонларга ташаккур мева-ю шарбат учун. Жаннат нақдинада нақд айланган лавоз учун. Во ажаб, бу ердаги асл мевалар ҳеч ерда йўқ. Офарилар айтади: арар, талъату санъат учун. Жамъи Хулар тўли ивра келтириб, моҳубини, «Мен-Анорман» дебди Ой боғбонга ҳўрмат учун. Анжир шафтолидан қилими асал боғбонлар. Лаву ётукте узумлар мунтабир улфат учун. Меҳмон бора, бошин таъинга атар ҳар дарахт. Дастурхон устиди кулиб турар ифрат учун. Мевалар ҳар хонадон хонида гавҳар сингари. Минг ташаккур айтаман боғбонга меҳнат учун. Мовароуннаҳр фарзанди эканман бахтимга. Шу л ҳўзур маҳднин куйлай доимо, неъмат учун.

Юсуфжон ҲУЗУРИЙ.

«МЕҲНАТ» ТУҲФАСИ

ИЖАРА ПУДРАТИ:
ТАЖРИБА ВА
МУАММО

Кейинги вақтда агросаноат комплексида ижара пудрати-нинг коллектив, оилавий ва янже тартибдаги турлари жо-рий этилмоқда. Бу усул ис-тиқболли эканлигини тажриба тасдиқлапти. Лекин ижара пудрати тўғрисида баъзан баҳсли фикрлар ҳам урғиб турибди. Мазкур китобда му-аллифлар Ш. Ҳусанов ва А. Иброҳимов ижара пудрати-нинг моҳияти, уни амалга оши-риш йўллари ва бу борада урғиди қўйишнинг қийинчили-рини қандай барқарор этиш зару-ринлиги ҳақида сўз юритганлар. Китоб ижара пудратда иш-ловчи барча қишлоқ ҳўжалик ходимларига мўлжалланган.

**ХўЖАЛИК
ЮРИТИШНИНГ
САМАРАЛИ УСУЛИ**

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хў-жалиги давлат-кооператив ко-митети меҳдасида ҳўжалик юритишнинг итисодий усулла-рига ўтиш натижалари ушбу рисолада умумлаштирилган. Қолқозлар, совхозлар ва ма-зукур соҳанинг бошқа қорхона-лиқда меҳнатни ташкил қи-лиш ҳақида бошқарушнинг янги шаклларини жо-рий этиш тажрибаси ҳақида, ҳўжалик

СПОРТ

ФУТБОЛ

Мамакат чемпионатининг иккинчи дара, шарқий мин-тасида навбатдаги тур уч-рашувлари бўлиб ўтди. Ўт-казилган ўнга учрашувада дарвозаларга 26 та тўп ки-риптиди. Шулардан 22 таси майдон эгалари, 4 таси меҳ-монлар ҳисобига эшилди. Саккиз ўйинда мезбонлар 11 галабозондилар. Икки матжда дуранг натижа қайд-этилди, рақиблар очкони бў-лишиб олдилар.

Ўйинлар жадалида янжа пешқадамлик қилаётган «Нефтчи» галдаги ютуқ-қа эришиб, мақбени му-стаҳкамлаб олди. Фарғоналик футболчилар Термизнинг «Сўрхон» коллективини қа-бул қилиб, 4:1 ҳисобида го-либ чиқдилар. Бу галабадан сўнг «Нефтчи» тўплаган очко 56 тага етди.

Фарғоналик футболчи-ларни таъбиб этиб келаёт-ган «Океан» командаси ҳам навбатдаги галабага эриш-ди. Находқалик футболчи-лар Фрунзенинг «Олга» ко-лективини мағлубиятга уч-ратдилар. Учрашу тақдир-ини майдон эгалари томони-дан қиритилган ягона тўп ҳал қилди.

Ўтган турдаги энг йирин ҳисоб Павлодар шаҳрида қайд этилди. Маҳаллий «Трактор» командаси Анди-жоннинг «Спартак» коллек-тивини қабул қилди. Илк дақиқалардан оқ ташаббуси ўз қўлларига олган павло-дарлик футболчилар матч охиригача рақиблари дарво-засига жавобсиз бешта тўп йўлладилар.

Бошқа учрашулар кун-даги натижаларни берди: «Автомобилист» (Қўқон) — «Бахш» (Қўрғонтепа) — 2:0, «Амур» (Благоевчск) — «Химик» (Жамбул) — 2:0, «Динамо» (Барнаул) — «Навбахор» (Наманган) — 3:1, «Целинник» (Целино-град) — «Зарафшон» (На-вои) — 3:1, «Экибастўзи» (Экибастўз) — «Копетдог» (Ашхобод) — 0:0, «Шах-тёр» (Қарағанда) — «Ир-тиш» (Омск) — 1:0, «Қай-сар» (Қизил Ўрда) — «Зве-зда» (Иркутск) — 1:1.

Ўйинлар жадали

	У	Т	О
«Нефтчи»	37	76-22	56
«Океан»	36	57-26	52
«Навбахор»	36	57-35	47
«Амур»	34	42-24	46
«Мелпатор»	36	63-38	43
«Химик»	36	42-39	39
«Авто-мобилист»	37	52-42	38
«Олга»	36	52-48	37
«Звезда»	37	43-41	36
«Трактор»	36	50-45	35
«Динамо»	36	46-48	35
«Сўғдиёна»	36	36-45	35
«Экибастўзи»	36	42-49	34
«Целинник»	36	32-34	34
«Шахтёр»	36	37-40	34
«Копетдог»	36	49-40	33
«Бахш»	36	46-59	32
«Қайсар»	36	27-40	32
«Иртиш»	37	44-50	31
«Зарафшон»	36	33-55	28
«Сўрхон»	36	32-59	28
«Спартак»	36	29-108	9

Навбатдаги тур учрашу-лари 17 октябрда ўтказила-ди. Шу кун «Нефтчи» Янзахда маҳаллий «Сў-ғдиёна» командаси билан уч-рашади.

ДЗЮДО


Самарқандда Совет Итти-фоқи Қаҳрамони А. Асланов хотирасига бағишланган мусобақа бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли бурчақларидан келган дзю-дочилар голиблик учун ку-раш олиб бордилар.

Мезбонлар орасида айниқ-са Файзулла Маҳраимов ақралиб турди. 86 кило-граммга вазида қатнашган самарқандлик дзюдочи ярим финалда: электросталлик С. Бельковини енгиб, усталик талабини бажарди. Лекин финалда сумгаитлик Т. Ма-медова ютқазиб, иккинчи ўрин билан қийолянди.

Бу мусобақада яна бир самарқандлик В. Такшан-тов ҳам совдордор бўлди. Виссеслав унчинин ўрнини эгаллаб, бронза медалини қўлга киритди.

Команда ҳисобида қара-ғандалилар голиб чиқдилар. Самарқандликлар иккинчи ўринни эгаллашди.

Мухаррир ўринбосари
Н. ЕҚУБОВ.



БОШҚОТИРМА

1. Фасл, 2. Елланиб ишловчи деҳқон, 3. Наманган вилояти-даги ноҳия, 4. Ўзбек кинорежиссёри, 5. Тилсиз, гўнг, 6. «Пах-такорнинг моҳир ўйинчиси, 7. Омилкор, ўз ишининг устаси, 8. Ўзбек опера сажасининг устаси, 9. Ўзбекистон ССР халқ-артисти, 9. Бутуннинг тўртдан бири, 10. Улкан, азамат, 11. Ор-ден олган киши, 12. Тонбарг дўлма, 13. Кенг ариқ, 14. Қора-қалпоғистондаги пахтакор район, 15. Ҳам сўвда, ҳам куруқ-ликда яшовчи баъзи жониворларнинг умумий ном, 16. Сарф, чиқим, 17. Дукамли экан, 18. Пиликли чироқ, 19. Шахматдаги ҳолат, 20. Бинонинг устки қисми, 21. Бисотдаги буюм, бойлик, 22. Қурилиш анжоми, 23. Тенг, 24. Балқ тур, 25. Қиммий модалда, 26. Металл маҳсулоти, 27. Пардоз материал, 28. Кўча-нинг бир бўлаг, 29. Қоримша, 30. Ҳиндистонда ўз-ўзини диний-фалсафий даволаш ўқувининг устаси, 31. Изҳор, 32. Маб-лағ, ақво, 33. Дудок, 34. Ширинлик, 35. Япиратиш, пардоз-лаш учун ишлатиладиган суюқлик, 36. Шахс ҳақида сўроқни билдирувчи сўз.

Тўзувчи: Фаёз ҒАФУРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» —
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиш бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиш бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.